



ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 30 (6. 519)

1988 йил 6 февраль, шанба

Баҳоси 3 тийим

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 4 февралдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганини қўриб чиқадиган навбатдаги Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Мажлисида марказий иқтисодий органларнинг, СССР министрликларининг ва идораларининг ташкилий структурасини қайта қуриш, иттифоқдош республикалардаги бошқарув бош схемаларини ишлаб чиқиш юзасидан 1987 йилда қилинган иш якунлари чиқарилади. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига биноан ишлаб чиқариш соҳасининг кўпгина тармоқларида бошқаруvingни янги структурасига ўтилатиш уқтириб ўтилди. Бунда марказдаги ва республикалардаги министрлик ҳамда идораларнинг сони камайтирилимоқда. Бошқарув аппарати ҳодимларини қисқартуриш мўлжалланмоқда. Хўжалик ҳисобидига янги ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини тўзиш жараёни давом этмоқда.

Бошқаруvingнинг план, таъминот, молия-банк ва бошқа марказий органлари функциялари ҳамда аппарати қайтадан ўзгартирилди. Ўтказилган қайта қуриш жараёнида раҳбарликнинг асосан иқтисодий усулларида фойдаланиш учун зарур ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Марказда ҳам, жойларда ҳам халқ хўжалигини бошқаришнинг такомиллаштириш соҳасида бундан буён қилинадиган ишларда тул иқтисодий ислохот принципларини изчиллик билан амалга ошириш, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга қаттиқ риоя этиш, тармоқ ва территориал бошқарув органларининг самарали ўзаро алоқасини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилади. Министрликлар ва идоралар корхоналарнинг тула хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шартинда ўз имкониятларидан умимин қадар қўпроқ фойдаланишларини кўлаб, уларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини зарур. Бошқаруvingнинг ҳар схемаларини ишлаб чиқиш хўжалик ва маданий қўрилишдаги ишларнинг аҳоли учун иттифоқдош республикаларнинг мушаккиллари кенгайтирилишига ва маъмуриятини оширишига бўйсундирилиши кераклиги таъкидланди.

Сиёсий бюроси ҳукуматнинг СССРда корхоналарнинг ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий фаолиятдан оладиган ўтказилувчи пул учун ишлаб чиқариш-техника маҳсулотининг улгуржи савдосини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифини қўриб чиқиш маъқуллади. Бу ишнинг қардош мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисида партия билан ҳукуматнинг капитал қурилиши яхшилаш ва уни материал ресурслар билан таъминлаш масалаларига оид қарорлари қандай бажарилаётганини қўриб чиқилди. КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган қурилишдаги инвестиция сисвати бир қанча ҳолларда изчиллик билан амалга оширилмаётганлиги қайд этилди. Планларга янгидан бошланаётган кўп миқдордаги ишлаб чиқариш қурилишларини асосан равишда қиритиш практикаси давом этмоқда. Чала қурилишлар ҳажми ҳали ҳам кўп, бу эса уй-жой, социал ва маданий-маиший объектлар, индустрия ва агроаноат комплексининг биринчи галдаги ишюотларини қуриш учун жуда етимиш турган кўп миқдордаги материал ресурсларини банд қилиб

қўймоқда. Қурилиш ишларига материал сарфи секинлик билан камайтирилмоқда, иқтисод ва тежамкорлик иш сўст олиб борилмоқда.

СССР Госпланига, СССР Госстрояга қурилишнинг норматив базасини ўзгартириш ва унда қаттиқ тартиб ўрнатиш, хўжалик механизмининг капитал маблағ самардорлигини оширишга таъсирини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини барпо этиш мўддатларини қисқартуриш юзасидан конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тақлифларни тайёрлаш қандай бораётганини тўғрисидаги ахборотни тинглаб, Сиёсий бюроси бу ишда демократизм принципларини, жиноят учун жавобгарлигини, муқаррарлигини, адолат ва инсонпарварлигини изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим аҳамиятини уқтириб ўтди. Жиноятларнинг ижтимоий халф-хатари даражасига қараб, уларни бир-биридан янада аниқроқ чегаралаш, шунингдек, енгилроқ жиноятлар қилган кишиларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо нораларини қўлланишнинг кенгайтириш мақсадида амалдаги жиноят қонунларини ўзгартириш соҳасидаги ишни давом эттиришнинг асосий йўналишларини белгиланди. Шу билан бирга оғир жиноятлар қилганлар учун қаттиқ жавобгарлиқни сақлаб қолиш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюроси Э. А. Шеварднадзенинг ГФРга ва Испанияга қилган расмий визитлари якунларини маъқуллади. Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилган, уни амалий мазмун билан тўлдирилган. Икки томоннинг тайёрлаган мамнунлиги билан қайт этилди. Бу гап сиёсий ҳамкорлик соҳасига жумладан, хавфсизлик ва қўрсотилган проблемаларига, шунингдек икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар ҳамда мулоқотларни янада ривожлантириш масалаларига тааллуқлидир.

Мадриддаги музокара ва суҳбатлар Испания билан барча поғоналардаги сиёсий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш учун қўлай шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқлади.

Халқаро муносабатлар ривожининг ҳозирги босқичида Европада ишонч ва ҳамкорлик иқдимиини вужудга келтиришга оид бундан буёнги коллектив куч-қувватлар, Ғарбий Европа мамлакатлари билан қўйладаги кескинлиги юмшатишнинг янги босқичи сари бошланган соғлом тенденцияларни мустаҳкамлашга, ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини камайтиришга, қўрол-прогрларни қисқартуриш ва қўрсотилган қаратилган самарали мулоқот ва ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

А. А. Громико, Е. К. Лигачев ва Э. А. Шеварднадзенинг ГВСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер билан унинг СССРга қилган расмий дўстона визити чоғида ўтказган суҳбатлари ва музокаралари якунлари маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия ва давлат қурилишининг, совет ташқи сисватини турмушга таъбиқ этишининг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

Пойабзал сифати назорат остида

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети февраль — март ойларига Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги пойабзал корхоналаридаги ишларнинг аҳолини текширади. Тармоқ корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш, пойабзал турларини кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан олган мажбуриятларини назарда тутиб, маҳсулот реализация қилиш планлари бажарилишини таъминлаш масалалари қўриб чиқилди.

Агар граждонларда ана шу масалалар юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар бўлса, бу тақлиф ва мулоҳазаларни қўйидаги адресга жўнатиш зарур: 700047, Тошкент шаҳри, Куйбисhev кўчаси 23-уй. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими. Телефонлар 33-88-07, 33-89-76.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Нурли чўққилар

Ажабланманг, бу гал замондошимизнинг фарзанди — азиз дилбанди назарида унинг қандай инсон аҳақи ҳақида ҳикоя қилмоқчи, тўғрисида, суҳбат қуриш ниятида.

Алёша ҳозир Чилонзор районидagi 79-ўрта мактабнинг саккизинчи синфиди ўқийди.

— Дадангиз қурувчи экан, бу касб ёқадими? — сўрадик ундан.

— Ёқди.

— Унга ўхшаб, қурувчи бўлишни истармидингиз?

— Билмадим, бу йил саккизинчи синфни битирай-чи, ўқилиш давом эттирмақчиман, — деб жавоб берди кейин.

— Қурувчилик касбидан бошқа дадангизнинг қандай фазилатлари бор?

— Улар зўр альпинистлар. Чемпион...

Бу ниятда қутилмаган жавоб бўлди!

Қурувчи ва альпинист — ўт билан муз. Бир-бирига яқин ҳам келмайдиган — икки хил майл қизиқ...

Алёша эса эҳтирос билан сўзиди давом этарди:

— Дадам альпинистлар терма командасига аъзолар.

Қурувчининг фарзанди шу қадар завқ ва ҳаяжон билан сўзлариди унинг сўзларини тиниқ бир бўлоққа ўхшатиш мумкин, бирон нўрнин савол ҳам бўлоқ суви-ни хиралаштириб қўйиш мумкин.

— Дадамлар Коммунизм чўққисига чиққанлар. Мени ҳам у ерга олиб бораётган. Аммо мен пасда, чўққи ёндағрида қутиб турганман, — деди қалбиди бир олам фахр билан.

Бу сўзларга ажабланманг. Алёшанинг отаси Александр Владимирович Путинцев ҳақиқатан ҳам альпинист бўлишча спорт мастери! Олдий тил билан айтсак, чўққиларни эгаллаш устаси.

Бунинг қарангки, унинг ўзи ҳам шаҳримизда осмонўпар, баланд иморатлар қўраётган 11 «Висотстрой» трестининг «Спекжелезобетонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасида ишлабди. Асли сиёбирч бу йилги Тошкентга ҳарбий кизматга тақрирди-ю кизматини битиргандан кейин (1966 йилда) шаҳримизда қолди. Бунга сабаб — тошкентлик қиз Софья (Григорьевна)га сеҳрли муҳаббат иллари билан боғлини қолди! Фарзандлик бўлишди. У бутунги суҳбатдошимиз Алёша эди...

Юсак чўққиларни забт этган Алёшанинг отаси — Александр Путинцев СССР Халқлари дўстлигини саройи, республика марказий хисоблаш маркази сингари нобб бинолар монтажда қатнашгандан бахтиёр. Унинг кўсини Меҳнат Қизил Байроқ ордени беади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Меҳнат уни нурли чўққиларга олиб чиқажак!

Х. ИКРОМОВ.

СУРАТДА: А. Путинцев.

Т. Каримов фотоси.

Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдида

Иккинчи квартал ҳисобига

Шу кунларда тепловоз депоси машиналари ўзаро социалистик муносабатларни авж олдиран ҳолда ишламоқдалар.

— Дастлабки оини муваффақиятлик якунладик, — дейди депо эксплуатация бўлими бошлигининг ўринбосари Вячеслав Пенников. — Қарийб 10—20 йилдан бери тепловоз пултини моҳирлик билан бошқараётган машиналардан Г. Сербенников, А. Кушев, Ф. Хананов, Р. Тожибоев, М. Бахромо-мов сингари 1—2 класс ма-шинистлари смена топши-риқларини 130—140 про-

центдан адо этиб бошқалар-га намуна бўлишмоқда. Улар бошқараётган оғир юкли тепловоз-электровозларнинг иш унуми самарали бўлапти. Э. Нурматов, К. Орменев, А. Фладин сингари машинаистлар ўз ҳисобларидаги тежалган ёқилгиларини умумий ҳажми-ни тобора ошириб бориша-пти. Уларнинг ҳар бири 4 тоннага яқин дизель ёнлиги-сини тежални ўзларининг асосий мақсадларига айлан-тиришган. Ҳозирги кунда улар шу йилнинг иккинчи квартал ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Турли иқлимга мос

Барча меҳнат коллективларида бўлган каби «Ташинжстрой» трестининг 10-қурилиш бошқармасида ҳам Бутуниттифок XIX партия конференциясига катта тайёргарлик қўрилмоқда.

Айниқса, бу борада Садриддин Ғафуров етакчилик қилаётган монтажи, қурув ёқизувчилар бригадаси коллек-тив алоҳида ишларни амалга оширапти. Аҳил коллек-тив қурувчилари катта анжуман очилгандан кунга қадар ярим йиллик топириқни бажаришни зиммаларига олдиран.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари пойтахтимизнинг Юнусовод массивида канализация ўрнатиш ишларини амалга оширмоқда, иссиқлик тармоқларига оид юмш-лар адо этилапти. Объектда Санжар Матмуродов, Вла-димир Умнов, Комил Абдурахмонов каби тажрибали би-нокорлар қўтарики руҳда ишлаб, иш сўраётганга сўрёт қўшмоқдалар.

Айни кунларда бригада азаматлари қўлга киритаётган ютуқларни янада мустаҳкамлашга куч ва имкониятларини сафарбар етаяптилар.

Э. ТУЛАГАНОВ.

Графикдан ўзиб

«Главташкентстрой»га қарашли 1-ёғочни қайта ишлаш заводининг 5-цехида шоҳона шкафлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганга кўп бўлгани йўқ.

— Бу йил, — дейди цех бошлиғи, — корхонамизда тайёрланаётган янги буюмлар сони кўпайди. Цехимиз кол-лективи корхона эришаётган ютуқларга муносоиб ҳисса қўшмоқда. Графикдан ўзиб ишлаётганимиз бунинг дали-лидир. Цехда тажрибали дурадгор У. Акбаровнинг ном-и фахр билан тилга олинади. У топириқни ошириб ва си-фатли адо этишда доимо ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Цех коллективия эса Бутуниттифок XIX партия ан-жуманини йиллик планни бажариб қутиб олишга аҳд қилди.

Д. ОБЛАЕВ.

Бизга мактуб йўлласиз

Оқшомхон истаклари

Газета саҳифаларини биргаликда тайёрлаймиз

№ 2 (12)

«Тошкент оқшом» газетаси редакциясига келаётган хатларда шаҳримиз меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш йўлида олиб бораётган ишлари, қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёнида ечимини кутаётган муам-моларни ҳал этиш босқисиди изланишлари ҳақида, қайта қуришга раҳбарлик юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми материалларини атрофлича ўр-ганиб тўб ўзгаришга эришши, иш унумини кескин ошириш босқисиди амалга оширила-ётган ишлар тўғрисида, Бутуниттифок XIX партия конференциясини муносиб меҳнат зафарлари билан қутиб олиш мақсадида ба-жарилган ишлари ҳусусида тўлиб-тошиб ё-моқдалар. Уларнинг бундай мактублари га-зетамизнинг бугунги шанба сонидан ўрин олган. Жумладан, газетанинг биринчи саҳи-фасида оқшомхонлар эътиборига ҳавола эти-лаётган аксарият мақола ва хабарларда ян-гиланиш йўлида қилинаётган ишлар, ком-мунистлар анжуманига тайёрланаётган со-вгелар ҳақида сўз юритилган.

Бир группа оқшомхонлар Н. Топилов, Б. Каримова, Ш. Рамазонов ва бошқа ўртоқ-лар Бутуниттифок XIX партия конференция-си олдида «Тарихнинг ўлмас саҳифалари» рубрикиси остида берилаётган материал-ларни қизиқиб билан ўқиганликларини аёнлаган. Бугун тарих фанлари доктори А. Акрамовнинг РСДРПнинг III конференцияси тўғрисидаги мақоласини оқшомхонлар эъти-борига ҳавола этмоқдамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, газе-танинг бугунги сонидида аксарият мақола-ларини «Бизга мактуб йўлласиз» деган руб-рика остида эълон қилмоқдамиз. Мана уч йилдирки, «Оқшом» газетаси саҳифаларида янги ойнинг дастлабки шанба кўни чиқадиган сонини муҳлисларининг истак ва тақлифлари асосида тайёрлаш яхши бир анъанага айла-ниб қолди. Биз ана шу анъанани 1988 йилда ҳам давом эттирялмиз. Ана шу босқидан бу-

гунги шанба сонидидаги мақолалар ҳам Сиз, азиз оқшомхонларнинг тақлиф ва истакла-рингиз асосида, Сизларнинг бизларга йўлла-ган хат ва хабарларингиздан тайёрланди. Жумладан, ветеран-педагог Матлуба Улуго-ва, география фанлари кандидати Аскар Ак-баров, боғбон Ғани Абдуллаев, СССР Жур-налистлар союзининг аъзоси Ҳамид Ҳабибул-лаев, шарқшунос Аъзам Маъмуровларнинг газетамизнинг иккинчи саҳифасида ёритила-ётган одоб-ахлоқ ҳақидаги, саҳёт ишқи-бо-ларига бағишланган, яхши фазилатлар ва хат ёзиш одоби билан боғлиқ мақолалари оқ-шомхонларимиздан ишчи Д. Ражабов, хиз-матчи А. Муқимова, студент Р. Бозоров, уй бекаси Ш. Қосимоваларнинг илтимосларига биноан тайёрланди.

Янги йилдан бошлаб «Оқшом» саҳифа-рида «Бир асар тарихи» деган янги рубрика очилди. Газетасизлардан келаётган кўпчилик хатларда муҳлисларимиз, шу рубрика остида берилаётган материалларни қизиқиб билан ўқиганликларини изҳор этишган. Оқшомхон-лардан Н. Анаваров, С. Собиров, У. Мўми-новлар газета саҳифасида СССР халқ рас-соми, СССР Бадний академиясининг муҳбир аъзоси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Раҳим Аҳма-довнинг фақат республикамиз, мамлакат-миздагина эмас, балки кўпгина хорижий эл-ларда ҳам санъат шайдоларини ўзига ром этган «Тонг, Оналик» деб аталувчи асари-нинг яратилиш тарихини ҳикоя қилиб бе-ришмишимиз сўрашган. Газета муҳбири Темур Убайдуллаевнинг мақоласи таниқли ўзбек расмедини аниқ шу санъат асари яратилиш тарихига бағишланган.

Бундан ташқари бир группа оқшомхон-ларнинг илтимосларини инобатга олиб Ми-хил Зошченковнинг «Хўжалик ҳисоби» ҳаж-виси, турфа отам ақойиботлари тўғрисидаги хабарларини, фарзандларимизга бағишланган шеърларни, киш манзараларига бағишлан-ган фотоларни, кўпги шинавандаларига атлан-ган хатларини ва бошқа турли наъзудаги ранг-баранг материалларни ҳам газетанинг бугу-ни шанба сонидида ёритмоқдамиз.

Жадал суръат билан

Жўнатиш учун қўйилган не-ган ҳамма ишга қилади. Тўғри, ҳали аҳақинга муаммолар бор. Кўпчилик механизмлар ҳам, эҳётчи кишилар ҳам етимишайди. Лекин бундай шарт-шароитда ҳам дистанция коллектив ишларини жадал суръатда бажармоқда. Коллектив аъзолари Бутуниттифок XIX партия конференцияси очил-гандан кўнга шундан ташқари катта ҳажмдаги ишларни бажариш ниятида-дир.

(ЎЗАГ муҳбир).



О. ТОКИО. Япония ҳукумати ХХI аср экологик тоза энер-гетиксининг асосини ташкил этиш лозим бўлган термояд-ро реакторини яратиш уч йиллик халқаро программа-сига қўшилиш тўғрисида кеча расмий равишда қарор қабул қилди. Ана шу турли мамла-кат олимларининг тинч ҳам-корлиги мислсиз лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги ахдлашувга КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ пре-зидентини Роналди Рейтанинг 1985 йил Женевадаги учра-шиш чоғида эришилган ва сўнгра уни атом энергетика-си бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) тасдиқлаган эди.

Перу тоғларида, Лимеда 280 километр шимолда кучли қучки содир бўлган. 300 метр беландликдан шиддат билан тушган тош уюми ана шу вақтда тоғ йўлида бораёт-ган бир неча машинани кў миб қолган. Баҳайбат тош уюмлари остида 13 киши қутқариб олинган холос, по-лиция маълумотларига қара-ганда 30 дан зиёд киши ҳа-лок бўлган.

Ўн тўрт кишидан, шу жумладан врач ва телеведу-ние операторидан иборат группа ўз тажрибаларини ту-ғатди. Група 49 кун ер ости-да бўлди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Групага ўтган йили ўз хоҳиши билан ер остидаги тоғда 210 кун яшаган М. Монталбини раҳ-барлик қилган. Тажрибадан кузатишга мақсад — узоқ вақт ер остида бўлган инсон организмни қандай ўзгарти-ларга дуч келишини аниқлаш-дан иборат эди.

Португалия полицияси 200 километр наша топишган хусусий ахтани қўлга тушир-ган. «Товарини кузатиб бора-ётган икки киши қамоққа олинган. Бу сўнгги ҳафтанинг ўзида Португалияда нарко-тикларнинг катта партияси қўлга туширилган иккинчи воқеадир.

Швецияда алкоголь ичиликларининг сунисте-мол қилиниш ҳар кўни ўр-тача 15 кишининг ҳаётига за-вол бўлмоқда, деб ёзади «Дagens нотеер» газетаси. Ана шу сабабларга қўра, 400 киши киши амалдан олдин улади.

Мексика маъмуруларининг қарор билан Мехикода атомдифренинг автомобил-ақинда газлари билан кучли заҳарланганлиги сабабли фав-қулсида қолган эълон қилинди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

«ТОНГ. ОНАЛИК»

СССР ХАЛҚ РАССОМИ, СССР БАДИИИ АКАДЕМИЯСИНING МУХБИР АЪЗОСИ, ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ РАҲИМ АҲМЕДОВ СУРАТИ ҚАРШИСИДАГИ УЙЛАР.

Ижодкорнинг чикки илҳом булоғи бор— Ватани, халқи. Агар шу икки манба бўлмаса ижодида маъно бўлмайди. Амударё билан Сирдарёда сув оқмагач, Орол қуригани каби ижодкор ҳам сўнади. Хоҳ у рассом бўлсин, хоҳ санъаткор, хоҳ ёзувчи бўлсин. Энг яхши деб эътироф этилган асарлар эса шу булоқлар меҳрига қонган бўлади.



Бир қарашда оддий ҳолат. Она боласини эмизяпти. Ёнида катта боласи ухлаб ётибди. Ортиқча тасвир йўқ. Такрор айтаман, бир қарашда.

Раҳим Аҳмедов ижодида кишилар тақдирини тасвири катта ўрин эгаллайди. Тўғри, унинг ранг-баранг, бетакрор портретлари, дилбар натюрмортлари, пейзажлари бор. Ҳар бирининг олдига соатлаб туриб, чизик, рангларини, мусаввир услубини мушоҳада қилиш мумкин.

Мусаввир ижодида она ҳақидаги суратлар кўп эмас. Лекин икки-уч полотнонинг ўзиде Раҳим ақанинг қанчалар улғў ижодкор эканлигидан гувоҳлик беради.

Она темасига у 1956 йилда қўл урди. Полотнонинг ишланиши ҳам қизиқ бўлди.

Ёз ойлари эди. Раҳим ака одати бўйича дам олиш, ижод қилиш учун Бурчмуллага келди. У шу ерлик онахоникда турарди. Уч-тўрт йиллик қадрдонини онахон ардоқлаб кўтиб олди.

Раҳим ака одати бўйича тонгда чиқиб кетар, туш ёки кечки пайт қайтар эди. Бир кун у қайтса аjoyиб манзарага қўзи тушди. Ёнғоқнинг тағдиди сулачада онахон ўтирибди. Орқасида қўш ёстиқ. Тағдиди кўрпача. Чўқур хаёлга ботган. Рассом юраги ҳаприқиб бу ҳолатини анча кузатди. Кейин ҳовлига қадам қўйди. Оёқ товушларини эшитиб онахон бошини кўтарди.

— Ҳа, онахон, — сўради Раҳим ака, — ниманинг хаёлини қилдирди?

Кампир ух тортиди.

— Э, болам, дунёнинг ишларини ўйлаб ўтирибман. — У кўрғончага ишора қилди. — Мана шу уйда кимлар туғилмади, кимлар яшаб ўтмади. Армияда бедарак кетган икки ўғлим ҳам шу уйда камолга етди. Мана, мен ҳам ўтди кетяпман. Шуларни ўйлаб ўтирувдим.

Бу суҳбат Раҳим акага тинчлик бермай қўйди. У эскизлар яратди. Ниҳоят, «Онанинг хаёллари» картинаси бунёдга келди.

Мусаввирнинг, барибир, кўз ўнгиди она сиймоси гавдаланаверди. Унинг қалби бу ишга давом эттиришга ундарди.

О, сен ижодкор қалби! Бутун оламни ўзингга сиғдирасан. Бир асар шаклига келтириб, яратганингга сира ҳам тинчлик бермайсан. Бу гал ҳам атоқли мусаввирни ўн йил беором қилдинг.

Бир тонг пайти чақалоқ йиғисидан Раҳим ақанинг рафиқаси уйғониб, гўдакни овутири бошлади. Иттифоқо унғоқ ётган рассомнинг дили бирдан яшнаб кетди: у ўн йил қийнаган детални топан эди-да.



Тонг. Она гўдакнинг йиғисидан уйғонди. Унга кўкрак тутди. Ёнида катта боласи пишиллаб ухлаб ётди...

Раҳим ака мамнун жилмайиб қўйди: нега бола йиғласа ота эмас, она туради? Нега болалар дастлаб ота эмас, она дейди? Чунки у она-да! Она! Лекин шу онанинг тонгги ҳолатини қандай ифодалаш керак, қандай? У нчада тонгги тасвирлаб бўлмайди. Шундай полотно бўлиши керакки, уни кўрган киши тонгги ширин уйқусини гўдаги. га бахшида ётган онанинг муҳаббатини ҳис этсин!

Ёзда бўлажак рассомларни Хумсонга практикага олиб борганида чиройли манзарани калф эди: икки тул терак майин шабадада оҳиста шивирлаб турибди. Олисда қишлоқ, қирлар... Мусаввир шодлиниб кетди: мана тонгнинг манзараси... Она болалари билан ҳовлида, сўрида...

Раҳим акага қолган ишлар қийинчилик тўғирмади. Сал фурсатдаёқ полотно битди. У қутилмаганда катта шухрат қозонди. Турли хил виставкаларда, хатто Парижда, Финляндияда намоиш этилган рассомнинг шахсий кўргазмаларидан ўрин олди.

Сурат қаршисида турган томошабин мусаввирнинг талантига тан бермай, ушбу сўзларни айтмай иложи йўқ: «Қўйил қилибди, баракалла!» Аммо шу асарни яратиш учун рассом ўн йиллаб изланганини билармикин?

Иккала асарни, фикримизча бир-биридан ажратиб муамма эмас. Улар она ҳақидаги улғў достоннинг икки боби-га ўхшайди. Бу достон эса авлодлар томонидан ҳамма вақт бирдек севиб ўқилаверади.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

ШАНБА ОҚШОМИ

Бувижон,
ўқиб беринг

СОАТ

Соат мил
Айланар
Хаёл унга
Бойланар.
Югуришга
Бериб зеб
Чиқиллайди
Нима деб?
Чиқиллаб
Ўлчар умр,
Ҳар минут
Тошсин қадр.
Умринг ўтса
Бефойда
Сенга бахт
Иқбол қайда!

ҚОР

Ёққанида
Лайлак қор.
Қилганмисиз
Эътибор.
Парча-ларча
Гулдайини,
Ўйнаб тушар
У майин.
Ерни қоплар
Оқ чойшаб,
Товланар
Зарга ўхшаб.
Она Ерни
Эркалар
Келгунича
Навбахор.
Сўнг эриб у
Сув бўлар
Ер бағрида
Гул кулар.

СВЕТОФОР

Қўл бошида
Ўзим бор
Номин таниш
Светофор
Кенг йўлнинг
Қўз қўлоғи,
Уч хил турда
Чиройим.
Менга қараб
Огоҳ бўл.
Осойишта
Юрсанг йўл.

Темур КАРИМОВ.

Ҳар тўғрида

Хавфли касб

Машҳур венгер врач К. Гамбошнинг таъкидлашича, журналистик касби — соғсаломатлик учун энг хавфли касб экан. У 30 йил мобайнида матбуот ходимларини кузатиб, шундай хулоса чиқарибди. Мухбирлар ҳаёти ҳаммиса серташвиш, ғалвали ва югур-юғури кўп бўлгани ҳам да салбий ҳодисаларни бар-тараф этишга жалб этилган. аяклари учун бу касб эгала-рининг 30 процентига пенсия ёшигача етиб борар экан. Аёл журналистлар салбий ҳодисалардан таъсирланмай, чидам билан ўткази олишларини учун эркак журналистлардан кўпроқ умр кўришар экан. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир венгер матбуотида аёл-журналистлар сон тобора ортиб бораёпти.

Тиши
суғурилади

Судан мамлақатидаги Ом. дурман қишлоғида икки киши ўртасида жанжал чиқиб,

Латифалар

КЎЗЛАРИНГДА

Боғда ошиқ-маъшук бир-бирига тўймай ширин суҳбатлашарди. Ингит қизга се-виниб деди:

— Мана шу чиройли кўзларингдан гўзал Тошкентимни кўриб турибман...

Иўловчи Афанди бу гапни эшитиб қолиб сўради:

— Узи! Мабодо менинг хотиним ҳам кўринмайдими, ўғлим?

НОС

Носфуруш Қўйлиқ бозорида носини мақтаб сотарди. Афанди бир талай нос сотиб олиб, бир чеким тили тағига ташлади.

Шунда носфуруш Афандидан сўради:

— Афандим, носим қандай?

— Қандек, чексам бўлади, туфурсам бўлади.

Анвар МИРЗАЕВ.



«ҲУНЧАМИ БУ, РАЪНОМИ БУ...»

А. Чаплигина фототўюди.

Бу—қизик

Икки бошли
чақалоқ

Табият аjoyиботларга тўла. Икки бошли бузоқ, икки бошли илон, икки бошли тошбақа каби жониворларни эшитган-сиз ёхуд матбуотда ўқиган-сиз. Ақл бовар қилмайдиган ҳодисалардан бири яқинда яна рўй берди. Аммо бу савфатгис... инсон фарзандидир.

Техронда истиқомат қилувчи 28 ёшли аёл қўзи ёри-ганида чақалоғи икки бошли бўлиб дунёга келди. Илк бор текширилганда, болада икки-та юрак, иккита ошқозон, икки-та ўпка, иккита умуртқа поғона борлиги аниқланди, бироқ ҳаммаси бир танада эди. Шифокорларнинг сўз-ларига кўра, агар битта бош йиғласа, бошчаси тинчгина ух-лаши мумкин.

Русчадан
МИРЗАМИР МИРЗАШАРИПОВ
таржимаси.

Байрам муносабати билан бухгалтер Гор-юшкин жонон зиёфат берди. Таклиф қилин-ганлар унча кўп эмасди.

Мезбон меҳмонларини жуда хурсандлик билан кўтиб олар, устки кийимларини ечиш-ларида ёрдамлашар ва уларни меҳмонхонага ундарди.

— Мана бу, — деди у меҳмонни хотини билан таништираркан, — энг яхши дўстим ва хизматдошим.

Кейин ўғлини меҳмонларга кўрсатиб:

— Бу эса, эътибор қилинг, тентаквойим Лешка. Ута маккор, мен сизга айтсам.

Лешка тилини чиқариб бўзрайиб турар, меҳ-мон бир оз хикоятда бўш жойга бориб ўти-рарди.

Ҳамма йиғилиб бўлгач, мезбон тавозе билан барчани зиёфат столига таклиф қилди.

— Марҳамат қилинглар, — деди у меҳмон-ларга илтифот қиларкан. — Бемалол ўтиринг-лар. Олинглар, енглар, ош бўлсин... Хурсандман... Ёб-ичиб ўтиринглар...

Меҳмонлар баҳамжиҳат дастурхонга қўл узатишди.

— Ҳа, — деди мезбон бирор дақиқа ўтка-зиб, — ҳамма нарсаси, биласизлар, қимматлашиб кетди. Бир нима харид қилай десанг, пули чақиб олади, нарх-наво кўтарилгандан кўта-риляпти.

— Отасининг ҳунини сўрайди, — деди хо-тини ҳамгинлик билан шўравни хўпларкан.

— Худо ҳақки, — деди мезбон, — сўрай-ди, жуда қиммат. Мана, масалан, оддийгина — шўра. Ҳеч нарсаси арзимайди. Мазза-матрасис. Деярли сув. Қани, бир хомчўт қи-либ кўринг, шу сув қанча тураркин!

— А-а, — дейишди ҳайрон бўлиб меҳмон-лар.

— Ҳа-да, — деди мезбон, — Бошқасини олинг — туз, масалан. Арзимаган, оддийгина нарсаси, деярли ҳеч нима эмас, қани бир ҳисоб-китоб қилиб, ҳам, чўтга ташлайлик-чи.

— Шунча, — деди лановур Лешка қий-панглаб, — баъзи меҳмонлар оватларига шун-дай кўп туз сепишадими, ўхў, пешонангга шўр чиқиб кетади.

Қўзойиш таққан йигит эндигина шўрвасига туз сепган эди, хикоятда туздонини ёнидан сал нарироққа суриб қўйди.

— Туздан сепавиринг, бемалол, сепинг, ота-гиним, — деди уй бекаси, туздонини унинг ёнига суриб қўяркан.

— Ҳисобга тўғри бўлиши учун беш нимчо-рак деб ҳисоблайлик, — деди уй эгаси. — Ҳар қалай арим тангадан! Бу ҳар бир киши бошига ҳисоблаганда... Нечтамиз биз!...

— Савкизатимиз, — деди уй эгаси. — Ярим қа-доқдан... жон бошига чоракдан...

— Ҳа-а, — деди яна нокаслик билан Леш-ка, — анави меҳмон гўшга ачиқ суриб ту-ширяпти.

— Ҳа, ҳа, — ҳаяжон билан бақириб деди уй эгаси, — мен ачиқини ёдимдан чиқариб-

— Ҳисобга тўғри бўлиши учун беш нимчо-рак деб ҳисоблайлик, — деди уй эгаси. — Ҳар қалай арим тангадан! Бу ҳар бир киши бошига ҳисоблаганда... Нечтамиз биз!...

— Савкизатимиз, — деди уй эгаси. — Ярим қа-доқдан... жон бошига чоракдан...

— Ҳа-а, — деди яна нокаслик билан Леш-ка, — анави меҳмон гўшга ачиқ суриб ту-ширяпти.

— Ҳа, ҳа, — ҳаяжон билан бақириб деди уй эгаси, — мен ачиқини ёдимдан чиқариб-

Михаил ЗОШЧЕНКО

Хўжалик ҳисоби

Ҳажвия

Меҳмонлар ўлганларининг куниндан жим ўтиришарди. Уй эгаси иштаҳа билан шўрва-сини ичарди, меҳмонларга меҳрибончилик билан назар ҳам ташлаб қўярди.

— Мана, иккинчи овқатини ҳам олиб келиш-ди, — эълон қилди у жонланиб. — Мана, маса-лан жаноблар, озиқ-овқатининг иккинчи тури — гўштин олинг. Айтинг-чи, бу гўштин нархи неча сўм! Епирай! Ҳар қалай, бу ерда неча фунт!

— Тўрт-беш нимчорак, — ҳамгин жавоб қи-ди уй бекаси.

ман... Ҳар қалай умумий ҳисобга бунни ҳам, яна уни-бунни қўшиб ҳисобласа жон бошига бир сўмдан тўғри келади...

— Ҳа-а, бир сўмдан, — деди Лешка, — Пал Елисеевич тираскалари билан катта ойнани қўпорганларини, эҳтимол, кўнга тушар.

— Ҳа, айтгандай! — қичқириб юборди уй эгаси. — Биласизми, бир сафар меҳмонлар келишганда, албатта, билмасдан, тошойнаи синдириб қўйишди. Ушанда тушки овқат биз-га роса қимматга тушди-да. Атайлаб ҳисоб-лаб чиқибмиз.

Уй эгаси хотирага берилиб кетди.

— Қолаверса, — деди у, — бу зиёфат ҳам анчага тушади... Ҳа, бунни ҳам ҳисоблаб чиқса бўлади.

У қалам олиб истеъмол қилинган барча нарсаларни ҳисоб-китоб қила бошлади. Меҳ-монлар жим ўтиришар, ҳатто қимирлашмасди, фақат эҳтиётсизлик билан туз сепган йигит телчирган кўзойишнинг минут сайин ҳўл со-чиққа артарди.

— Ҳў-ў, — деди ниҳоят уй эгаси, — бу-гунги зиёфат ҳар бир киши бошига беш сўм-дан сал ошмироқ тўғри келаркан...

— Чироқ пули-чи! — норозилик билан де-ди уй бекаси. — Иситиш-чи! Мариянинг жи-мат ҳақи-чи!

Уй эгаси аввалига чапак чалди, кейин пе-шонасига уриб, кулиб қўйди.

— Ростдан ҳам, — деди у, — чироқ пули, иситиш, хизмат ҳақи... Уйдан фойдаланиш! Инозат беринг, жаноблар, ҳақиқатан ҳам хо-на ҳақи! Ҳмм... савкиз киши, 4 квадрат сар-жин... Агар ҳар саржинига тўласа... Бир кунга уч тийин... Ҳмм... Бунни қозғаса ёзиб ҳисоблаб чиқиб керак...

Стулда безовталаниб ўтирган кўзойишлик йи-гит бирдан ўрнидан турди ва эшик томон юр-ди.

— Қаерга кетяпсиз! — бақирди уй эгаси. — Қаерга азизим Иван Семенович!

Меҳмон ҳеч нима демади, кимнингдир оёқ кийимини кийди-да, хайрлашмай ҳам чиқиб кетди. Унинг ортидан бошқалар ҳам эргашиб-ди.

Уй эгаси узок вақт ҳисоб-китоб билан банд бўлди, кейин эълон қилди:

— Киши бошига олти тангадан тўғри келди. Олтин ҳисобида.

Бунни хотини билан Лешкага эълон қилди, меҳмонлардан ҳеч ким қолмаган эди.

Русчадан
Тўлкин МУҲИДИН
таржимаси.

Турфа олам

ДИРЕКТОР
КЎЗОЙНАКЛИ
ИЛОНГА ҚАРШИ

Деҳли ҳайвонот боғининг директори Камол Найдун «Ҳасурлиги учун» ҳукумат мукофотига сазовор бўлди. Янги турилган икки шер бо-ласига катта кўзойишлик илон ҳужум қилишга тайёр турганлигини кўрган Камол тоқирлини ва мардлик кўр-сатди. Илон ҳужумига у ўзи-ни қалқон қилди. Дарҳол организматига илон захарига қарши зардоб киритилгани-га қарамай у ҳушини йўқот-ди ва узок вақт касал бўлиб ётди. Камол ниҳоятда камта-рин нисон. Мукофот мен учун қутилмаган тасодиф бўлди. Ахир мен ҳеч қандай ҳақрамонлик кўрсатганим йўқ, дейди директор.



ГАРОИИБ ЖАЗО

Норвегиянинг Хаугесун шаҳри суди автомобил ўғ-риларидан бирига нисбатан гаройиб, шу билан бирга анчагина жиддий жазо чо-расини қўлади. Автомобиль магнитофонлари ва машина-да қолдирилган буюмлар-нинг 25 ёшли ўғирси энди бир ой муҳлатга шаҳарни тарк этиши лозим. Бир ой муҳлат ичида у ишга жой-лашини, спиритлиқ ичим-ликлардан ўзини тийиниш ва ҳар кунги телефон орқали поли-ция бошқармасига ўзидан дарах бериб туриши керак.

Шаҳар суди шу йўл би-лан ашаддий ичкиликбоз ва ўғирни «зарарли» олатлари-дан фориғ этмоқчи. Суд мат-муллари инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чи-қиб, майда тартиббузарни жамиятдан ажратиб қўйишни лозим топпадилар. Ер-дўст-лари, таниш-билишлари ва қариндош-уруғларидан вақ-тинга жудо этиб, улар жи-ноятини тўзатиш учун сўн-ги имконият беришибди.

НАМУНАЛИ ТАРТИБ
БЎЗУВЧИ

Ғарбий Германиянинг Фер-де шаҳрида истиқомат қи-лувчи автомобиль ҳайдов-чидан бири бирор марта ҳам жарима тўламай, йўл полициячилари томонидан бирор марта ҳам огоҳланти-риш олмай йитирма беш йил автомобиль рулини бошқар-ган эди. Аммо тартиб пос-бонлари билан биринчи уч-рашувнинг ўзиёқ унинг учун жуда аянчли тугади — у судга қақирилди ва ҳайдов-чилик гувоҳномасининг транс-порт воситасини бошқарган-лиги учун 600 марка жарим-а тўлашга мажбур бўлди.

Тартиб бузувчининг ана шу йиллар мобайнида ма-шинани биргина чап қўли би-лаб бошқарганлиги ҳам судъ-лар қарорини ўзгартири-олмади. Сабаби, у ёшлиги-даёқ ўнг қўлидан ажралган экан. Тушкунликка тушган 63 ёшли ҳайдовчи ўзини оқ-лаш учун «Бошқа бундай қилмайман», дея олди ҳолос.

АЧИНАРЛИ РЕКОРД

Америкалик Чарльз Осборн-нинг номи «Гиннесснинг ре-кордлар китоби»да қайд этилган. Аммо Эйткин шаҳ-рида (Миннесота штати) ни-қомат қилувчи 93 ёшли мўйсафид бундан хурсанд эмас. Чунки, унга «оламшў-мул шухрат» келтирган нарс-а... ҳиқичоқ бўлган. 1922 йилининг кузига, ўша пайтда омади юрган фермер чўқа танасини нимталаб, кўтар-моқчи бўлган эди-ю зўри-қилдан ҳушини йўқотган эди. Ўша машғул кундан сўнг орадан 65 йил ўтган бўлишига қарамай унни ҳа-мон—ҳар минутда ўн марта-дан қирқ мартагача ҳиқичоқ тутайди.

Осборн ана шу камчилик-ни ҳисоблашга соппа-соғ одам. Ҳиқичоқдан кутулиш учун у жуда кўп гайрат ва маблар сарфлади. У узок йиллардан бери махсус «пар-хезда» — фақат суюқ ёки аталанган овқат истеъмол қилади, врачлар буюрган дори-дармонларни қабул қи-лади. Бу ўз самарасини бе-рапти: ҳозир Осборннинг ҳасталигини сўзлашайтганда вафат-вафати билан тин оли-шидан ва юз томирларининг тортишиб тутилишидангача пай-каш мумкин. Аммо Осборн ҳамон касаллигини бутун-лай фориғ бўлиш ниятидан воз кечмаган. АП агентлиги-нинг ҳабар қилишига қара-ганда, у яқинда ҳиқичоқдан батамом халос этган киши-га 10 минг доллар мукофот тайинлаган.

7.00 «120 минут». 9.05 «Махсус эфирдаги зонада». Бадий фильм «(Масфилм)». 10.40 «Курс ёнда». Хужжатли фильм «(СДФ)». 11.00 Янгилар.

16.00 Янгилар. 16.10 «Қайта куриш прожектори». 16.20 Спорт ва шахс. Лидия Скобликова. 16.50 «Гарам». Телевизион хужжатли фильм премьераси (Таллин). 17.20 «Сенинг истеъдодларинг, Украина». 17.40 «Мен, сен ва биз ҳаммаз биргаликда». 18.25 СССРда Хиндистон фестивали. Рави Шанкар чадаи. 2-курсатув. 18.55 «Тулклар товуқлар билан қандай дўстлашди». Мультифильм. 19.15 «Пул». Тўб ислохот қўлларда. 19.45 Тошхобилларнинг талабларига бинаан «Тинч Дон». Бадий фильм «(М. Горький номили киностудия)». 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 В. Непомнящий. «Иёл фасларин». 23.55 «Дунё воқеалари». 00.05 «Олимпиада томон кўлда». Телевизион хужжатли фильм премьераси.

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 «Улар ўн олтига ҳам тўл-

7.00 «120 минут». 9.05 «Мен, сен ва биз ҳаммаз биргаликда». 9.50 «Тинч Дон». Бадий фильм. 1-серия. 11.35 Янгилар.

16.00 Янгилар. 16.10 «Қайта куриш прожектори». 16.20 Саратов телевидение студиясининг программаси. 17.20 Болалар учун фильм. «Мактабга олиб борадиган узок йўл (ГДР)». 18.30 «Новавторлар ва консерваторлар». 19.15 Шерият лаҳзалари. 19.20 «Дунё воқеалари». 19.40 «Тинч Дон». Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Улуг Ойқабар тўғайли туғилган». Армия ва флот бадий коллективларининг концерти. 23.50 «Никох». Ёшлар программаси.

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 «Краснодоннинг мангу машаласи». Хужжатли фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10-синф. 10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 11.05 Геногеография ва мушукларни санашга бормиз. 11.35, 12.35 Табиатшунослик. 2-синф. 11.55

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильмлар. 9.35, «Тинч Дон». Бадий фильм. 2-серия. 11.25 Янгилар.

16.00 Янгилар. 16.10 «Қайта куриш прожектори». 16.20 «Салом, музика!». 17.20 «Сиз яратган боз». 17.50 «Фидойи шахслар». 18.35 «Мактаб: қайта куриш муаммолари». 19.05 Шерият лаҳзалари. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.30 «Тинч Дон». Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Резонанс». 23.45 Халқ куйлари. 24.00 «Дунё воқеалари».

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 «ЭХМ информация хизматидан». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Астрономия. Юлдузли осмон. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 10.35 «Рус музейи заллари бўйлаб». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Физика. 11.35, 12.35 А. П. Гейдер. «Мактаб». 6-синф. 12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланётганлар учун.

7.00 «120 минут». 9.05 «Мўжизасиз-мўжизалар». 10.05 «Тинч Дон». Бадий фильм. 3-серия.

16.00 Янгилар. 16.15 «Қайта куриш прожектори». 16.25 «Музикали хазина». 17.00 «Қайта куриш: тажриба ва муаммолар». Телевизион хужжатли фильмлар премьераси. 17.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.40 Шерият лаҳзалари. 18.45 Иқтисодий билимлар асослари. «Телезко» журнали. 19.15 Музика билим юрти цимбалчилар ансамблининг чиқиши. Мискидан кўрсатилади. 19.40 «Дунё воқеалари». 20.00 «Бизда, Останкинода». 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Музика эфирда». Танлафус пайтда (23.15) — «Дунё воқеалари».

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Л. Н. Толстой. «Завтрашний день». 7-синф. 10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Муомала маданияти. 11.35, 12.40 Биология. 7-синф. Паррандечилик. 12.00 Испан тили. 2-йил шуғулланётганлар учун. 12.30 «Олга...» тош асри

маган эдилар. Телевизион хужжатли фильм (Минск). 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 3-синф. 9.55 «Қўзил бактериялар». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 Италия тили. 10.55 «Финифти». Хужжатли фильм (Пермь). 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.35, 12.35 Астрономия. 10-синф.

13.05 «Мичман Панин». Бадий фильм «(Мосфильм)». 14.35 «Йўл». Хужжатли фильм премьераси «(ЛНФ)». 15.25 «Отеллар изидан борар солдатлар». Бадий фильм, субтитр билан. 16.00 Янгилар.

18.35 Янгилар. 18.45 «Совет Иттифоқида хизмат қилмаган». 19.45 Тўпчи хоккей. «Советская Россия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Финал. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 Хужжатли фильмлар экрани. «Фидойи кишилар». 23.15 «Тонгги почта». Музикали курсатув. (7 февралдаги курсатув такрорланади). 23.45 Янгилар.

16.45 Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флотининг 70 йилли-

гига. «Ватан байроғи остида». Телефильм. 17.30 «Она дёвры». Илмий-оммабоп программа. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Секртар ким?». Мультифильм. 18.20 Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Кўп серияли телевизион бадий фильм. 4-серия «(Лен-тефильм)». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. «Бошлангич партия ташиқилоти: тажриба ва муаммолар». 20.15 «Бу — сервис». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 УзССР Давлат телерадиоси халқ олгу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». 22.15 УзТВ фондидан. «Навойи». Видеофильм. Ойбекнинг шу номили романи асосида. 6-серия. 23.30 Телефильмлар. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Олчозорга қараган дераз». Телефильм. 19.55 «Улан». Бадий фильм. «(Киргизфильм)». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори».

ДУШАНБА КУРСАТАДИ: 22.15 «Бандаки қиз». Бадий фильм (рус).

«Кристаллари. Хужжатли фильм (Свердловск). 12.05 Француз тили. 2-йил шуғулланётганлар учун.

12.55 «Сўнгги йўл». Бадий фильм. «(Ленфильм)». 14.30 «Шаҳарлар ва йиллар». Телевизион хужжатли фильмлар премьераси: «Пятгорск», «Ашхобод». 15.15 Янгилар. 15.25 Такорорий телефильмлар кундузги сеанси. «Яширин обком ҳаракатда». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 1-серия (А. Довженко номили киностудия). 16.30 «Олимпиада томон кўлда». Телевизион хужжатли фильм.

18.35 Янгилар. 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.00 «Музикали киоск». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Камалак». 21.15 «Боку болохоналари». Хужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Терговга киришилсин». Телевизион бадий фильм премьераси. «Тухмат». 1-серия. (А. Довженко номили киностудия). 23.55 Янгилар.

УзТВ

7.00 «Ассалому алайкум».

16.45 Ботаника. 17.15 «Тайганинг баҳайбат қуши». Телефильм. 17.30 Рус адабиёти. А. Н. Некрасовнинг гражданилик лирикаси. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Комарини». Болалар учун фильм-концерт. 18.25 «Иван Павлов. Ҳақиқат излаб». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 19.30 «Ахборот». (рус). 19.45 «Ёшлик» студияси курсатади. 20.00 «Патхатилик: тажриба ва муаммолар». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Навойи». Видеофильм. 7-серия. 23.45 «Сув тоққа оқиди». Хужжатли фильм «(Узбектелефильм)». 00.15 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Салот, Мария!». Бадий фильм. 1-серия. 20.35 «Ватан полнигида» (рус, такор.). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». ДУШАНБА КУРСАТАДИ: 22.15 Садриддин Айний таваллудининг 110 йиллигига. «Судхурнинг ўлими». Бадий фильм (рус).

13.05 «Терговга киришилсин». Телевизион бадий фильм. «Тухмат». 1-серия. 14.15 «Композитор Загир Исмаилов». Телевизион хужжатли фильм премьераси. (Уфа). 14.45 Янгилар. 14.55 Такорорий телефильмлар кундузги сеанси. «Яширин обком ҳаракатда». 2-серия.

18.35 Янгилар. 18.45 «Қишлоқ янгилари». 19.45 П. И. Чайковский номили халқаро конкурс лауреатлари. 20.25 Реклам. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 «Малахит». Телевизион хужжатли фильм (Свердловск). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Терговга киришилсин». Телевизион бадий фильм премьераси. «Тухмат». 2-серия.

УзТВ

7.00 «Ассалому алайкум». 16.45 Зоология. Қушлар ҳаётида маъсумий ўзгаришлар. 17.15 «Холловка». Телефильм. 17.30 География. Шарқий иқтисодий зона. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мўжиза гилам». Мультифильм. 18.15 «Инсон боланидан бошланади». Тошкент область Калинин районидаги мак-

табгача болалар тарбия муассасалари ҳақида. 18.45 «Ёшлик» студияси курсатади. «Сенинг замонадошинг». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.50 «Пейка». Катталар учун мультифильм. 20.00 «Интенсивлаш — беш йиллик шюри». Хужалик ҳисоби ва ўз-ўзини наблил билан таъминлаш йўлидан. Фаргона областидан курсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Яиллар, лапарлар, ҳазил қўшқилар. 21.20 «Долларб вазири». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Навойи». Видеофильм. 8-серия. 23.20 «Бугун оламда нима гап?». 23.35 «Мастеровойлар». Телефильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Завод гуллар ҳада этади». Телефильм. 19.45 И. С. Бах. «Кофе канатаси». Горький филармониясининг солиствари икоро этади. 20.25 «Салот, Мария!». Бадий фильм. 2-серия. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори».

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ: 22.15 «Телевизор». Публицистик спортдам олиш программаси.

томон, Илмий-оммабоп фильм «(КНФ)». 13.05 «Терговга киришилсин». Телевизион бадий фильм. «Тухмат». 2-серия. 14.15 «Табат билан ҳамжаматликда». «Тинч океан буюми». Телевизион хужжатли фильм. 15.05 Янгилар. 15.15 Такорорий телефильмлар кундузги сеанси. «Яширин обком ҳаракатда». 3-серия.

18.35 Янгилар. 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 Киновизи. 20.15 Халқ куйлари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Узоқ Шарк». Киножурнал. 20.55 Рус мейморилик усталари. «Машхур уста Василий Баженов». Телевизион хужжатли фильм «(Экран)». 21.20 «Қайта куриш прожектори». 21.30 «Время». 22.05 «Аншла! Аншла!». 23.15 Баскетбол. СССР чемпионати. Эркелар. «Жалгирис» — ААСК. Каунасен курсатади. 24.00 Янгилар.

УзТВ

7.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 16.45 Биология. Одамнинг келиб чиқиши. 17.15 «Приморье чинкиши жилайлар». Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. «Бейсик» телекомпьютери асослари. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гуччилари». Глизер номили рес-

публика музика мактаб-интернати ўқувчиларининг чиқиши. 18.45 «Рикин-хохло». Мультифильм. 19.00 «Орвадор» программаси. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Эртанги кун оби-ҳавоси». Телефильм. 20.00 «Қайта куриш прожектори». Узбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми материаллари асосида. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон санъат усталари. СССР халқ артисти Галия Имайлованин ижодий портрети. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Навойи». Видеофильм. 9-серия. 23.25 «Анжана». Хошиадаги белгилар. «Изланиш ва тадқиқот». Телефильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (такор.). 20.40 Реклам. 20.50 «Невьянск». Лавалар. Телефильм. 21.00 «Звондочларимиз». Тошкент шаҳар Советининг депутати, бўйиқ Г. Н. Федоренко ҳақида хикая (рус). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори».

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ: 22.15 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 70 йиллигига. «Белея узро момақалдиқроқ». Бадий фильм (рус).

Фил ҳақида

Филнинг қафти беш қисмга бўлинган, туянинг пайпоғи ҳам икки қисмга бўлинган, лекин у барқоқ эмасдир. Филнинг хартуми «мак ва ичмоғида ўзи учун қўл қаби хизмат қилади, у шу хартуми билан нарасларни олади ва уни ўргатувчисига узатади ва шу хартуми билан нафас олади. У суи чинда нафас олиш мумкин бўлган жойда хартумини юқори кўтариб сувдан чиқаради-да, нафас олади; суви бўрининг иккала тешигига тўлатиб оғзинга олиб боради, кейин уни бирдан томоғига элтади. Филнинг хартуми кемирчадир.



Қиш манзаралари



Х. Мирзаев ва В. Турсаев фотолари.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

МЕТРОДА

Бир кампир қаршисига резина чайнаб ўтирган йигитга анча вақтгача диққат билан тикилиб ўтирдиганда, нҳоят унга томон эгилб деди:

— Кечиринг йигитча, мен билан гапшайиб бекорга овора бўляпсиз, мен мутлақо қарман.

ДОРИ ИЧИРИШ

Даволоччи врач палатага киргач, ҳамшира аёл беморни бор куч билан сийтаётганини кўриб, жаҳл билан деди:

— Сиз нима қилаёпсиз? Ақлдан оздингизми?

— Кечирасиз доктор, мен унга берадиган дорини ичиришдан олдин чайқатишни унутибман.

ХАТ ЖУНАТИШ

Бармоқларингизга боғлаб қўйилган арқонча сизга нима учун керак?

— Хотиним хатни жунатиш эсиндан чиқиб кетмаслиги учун боғлаб қўювди.

— Ҳа, қалай, хатни жунатдингизми?

— Хотиним хатни меига беришни эсиндан чиқарибди.

САРТАРОШХОНАДА

Паришонотирлик билан машхур бўлган бир профессор сартарошхонага кириб, устага мурожаат қилди:

— Марҳамат қилиб сочимни олиб кўйинг.

— Бажонидил.

— Сизга аввал шляпангизни олиб қўйишга тўғри келади.

— Э-э кечирасиз, мен бу ерда хониялар борлигини пайқабман, — деди профессор у ёқ-бу ёққа назар ташларкан.

Абдурахим РАСУЛОВ тўплаган.

Редактор Т. М. ҚОЗҚОБОВ

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильмлар: «Уч ўтинчи», «Спортландия». 9.35 Бутунроссия конкурснинг лауреати В. Зажигин чадаи (Балалайка). 9.55 «Флагман ортидан борами». Телевизион хужжатли фильм (Красноярск). 10.15 «Салом, музика!». 11.15 Янгилар.

16.00 Янгилар. 16.10 «Қайта куриш прожектори». 16.20 Қирғизистон телевидениесининг программаси. 17.20 «Мен бу ерга болалигимда келганман». Зуев номили фабрика Маданият уйининг духовай оркестри ҳақида. 17.50 «Агротехнологиялар ва ташвишлари». Телевизион хужжатли фильм премьераси: «Қишлоқ бугун ва эрта». 18.20 «Аргимачо». Мультифильм. 18.40 В. Крайнев чадаи (фортепиано). 18.55 «Мактаб: қайта куриш муаммолари». Кўрсатувлар РСФСР Меориф министри Г. П. Веселов иштирок этади. 19.10 «Нега ва нима учун?». Болалар учун курсатув. 19.40 «Дунё воқеалари». 20.00 Танишнинг: ёш кинематографчилар. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». Хужалик ҳисоби ва аҳолини иш билан таъминлаш.

7.00 «120 минут». 9.05 «Феруза». Фильм-концерт премьераси (Тошкент). 9.40 «Инсон. Ер. Коинот». 10.40 «Чашмалар». 11.10 «Социализм мамлакатларида». Тележурнал. 11.40 «Ойиқ қалб билан». «Маслаҳатлар» туркумидан хужжатли фильм премьераси. Кирург Н. М. Амосов ҳақида «(Леннаучфильм)». 12.10 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг халқаро фестивали. «Рим Дого бугун» (Буркина-Фасо). 12.40 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флотининг 70 йиллигига. «Жавобдорчи». Бадий фильм «(Мосфильм)». 14.00 «Қайта куриш ва маданият». Курсатувлар СССР Маданият министри В. Г. Захаров иштирок этади. 15.00 М. Глинка фильм-симфоник миниатюрлари. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.50 «Қишлоқ от минган бола». «Улар бичинилардан эдилар» туркумидан хужжатли фильм. Гражданлар урушининг қарамони В. М. Примаков ҳақида. 16.10 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. Савдон ташкил этиш: тажриблар ва хатолар. 16.40 «Экран» ижодий уюшмасининг мультифильмлари: «Мухшук Леопольдинг ёзи», «Қанотлар, оқлар ва дуллалар», «Ойнинг орқа томони». 17.10 «Ҳайвонот оламида». 18.10 Л. Шепитко фильмлари телеэкранда. «Ҳайрлашу». «(Мосфильм)». 1 ва 2-сериялар. 20.10 «Вашинтон 1987 йилнинг декабри». Телевизион хужжатли фильм премьераси. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Барча кенгликларда».

Классик куйлардан концерт (1 январдаги курсатув такрорланади). Танлафус пайтда (24.00) — Янгилар.

8.30 Эрталабки гимнастика.

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 «Учиш навбати бизга». Телевизион хужжатли фильм (Горький). 9.50 «Спортлото» тиражи. 10.00 «Будилинги». 10.30 «Совет Иттифоқида хизмат қилмаган». 11.30 «Тонгги почта». Музикали курсатув. 12.00 «Савҳатчилик клуби». 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгилари». 14.30 «Здоровье». 15.15 XV қишки олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши. Калгаридан курсатади. 17.05 Останкино концерт студиясида РСФСРда хизмат кўрсатган ҳунар-техника таллими мастери Ю. Д. Городков билан учрашу. 18.35 «Халқаро панорама». 19.20 Концертвалес. 19.55 МТ экранда биринчи марта. «Қораяқлар сири». Бадий фильм «(Мосфильм)». 21.30 «Время». 22.05 Эстрада концерти. 22.25 Делегациядаги музей. «Рус костюми». 22.50 Янгилар. 22.55 XV қишки олимпиада ўйинлари. Чанги спорт. 10 км. Хотин-қизлар. Калгаридан олиб курсатади.

8.30 Эрталабки гимнастика.

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 «Учиш навбати бизга». Телевизион хужжатли фильм (Горький). 9.50 «Спортлото» тиражи. 10.00 «Будилинги». 10.30 «Совет Иттифоқида хизмат қилмаган». 11.30 «Тонгги почта